

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ  
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**АБДУНАБИЕВ СУННАТ БОТИРОВИЧ**  
**ИБН БАТТУТАНИНГ “САЁҲАТНОМА” АСАРИДАГИ МИЛЛИЙ ХОС**  
**СЎЗЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ**

5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти йўналиши

Бакалавр  
даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**  
**ўқит. Н.Ходжаева**

Тошкент-2014

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	.....	3
<b>I-БОБ. “Саёҳатнома” асари яратилиши ва таржима тарихи</b>	.....	9
1.1. Ибн Баттута ҳаёти ва “Саёҳатнома”асари	.....	9
1.2. “Саёҳатнома” асарининг таржима ва нашрлари	.....	14
<b>II-БОБ. “Саёҳатнома” асарининг Ўрта Осиёга бағишланган боби таржимасида тарихий лексиканинг ифодаланиши</b>	.....	18
2.1. Тарихий шахслар номининг таржимада берилиши	.....	18
2.2. Тарихий жой номлари таржимаси ва таҳлили	.....	25
<b>III-БОБ. Тарихий асарда миллий калоритнинг таржимаси мураккабликлари</b>	.....	31
3.1. Урф-одатлар ва маросимларга тегишли хос сўзлар таржимаси	.....	31
3.2. Миллий таомлар ва миллий либослар таржимаси ўзига хослиги	.....	35
<b>Хулоса</b>	.....	39
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	.....	42
Китоблар, рисоалар, илмий мақолалар,	.....	42
Чет тилдаги нашрлар	.....	42
Интернет маълумотлари	.....	43

## КИРИШ

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ўтган 20 йил ичида таржимашунослик хусусан, бадиий, тарихий таржима соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистонни, ўзбек миллий меросини жаҳонга танитиш, кундан-кун ривожланиб, дунёда тобора мавқеи ортиб бораётган юртимизни, халқимиз ҳаёти ва бадиий тафаккурини адабиёт воситасида, хусусан, бадиий-тарихий, шеърӣ ва турли таржима йўллари билан кенг ёйиш, тарғиб қилиш кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш зарур: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди.”<sup>1</sup> **Шуни таъкидлаш жоизки, таржима азалдан тил билан бир қаторда мавжуд бўлиб, адабиёт билан узвий боғлиқликда тараққий этган бўлса-да, фан сифатида, тил ва адабиётдан анча кейин, дунё миқёсида, таржимашунослик фани ўлароқ XIX ва XX асрда шакллангани, ўзбек таржимашунослигининг эса XX асрнинг 2-ярмида юзага келганлиги маълум. Таржима амалиёти пайдо бўлибдики, аслиятни она тилига қандай ўгириш лозим, сўзма-сўзми ёки эркин тарздами деган масала таржимонлар олдида кўндаланг турган муаммо саналади. Айрим шахслар, масалан, XX асрнинг бошларида ижод қилган санъаткорлар, сўзма-сўз таржимани ёқлаб чиққанлари ҳолда,**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А., “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, Маънавият, 2008, 139-б.

**амалий фаолиятларида шу усулдан кўпроқ фойдаланиб келган бўлсалар, кўпчилик ижодкорлар эркин таржимани афзал кўриб, санъаткор аслиятнинг ҳарфини эмас, руҳини, сўзини эмас, мазмунини, шаклини эмас, унда мужассамлашган ахборотни бера билиши керак, деган нуқтаи-назарни олға сурганлар.**

Айтиш жоизки, таржимонлар томонидан араб, форс, турк, корейс, хитой, япон, ҳинд тилларидан ноёб бадиий тарихий, илмий асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонларга тақдим этилган. **Лекин ўзбек адабиётинининг дурдона асарларини шарқ тилларига таржима қилишда ҳам анча иш қилишимиз зарурдир. Жумладан, XX асрнинг 2-ярмида, хусусан, Мустақиллик йилларида яратилган ўзбек адабиёти дурдоналари орасидан танлаб олинган асарларнинг санаб ўтилган хорижий шарқ тилларига таржима қилиниб, нашр этилиши соҳа олдида турган янада муҳим вазифа ҳисобланади. Шунда биз Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралиб қолмаслигимиз керак. Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам ҳалқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар ҳалқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим. Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни**

кучайтиришни тавсия этган бўлардим”<sup>1</sup> – деган сўзларига мос ҳаракат қилган, тўғри иш тутган бўламиз.

**Жаҳон адабиёти ўнлаб тилларда барпо этилади. Бу ўз навбатида, турли миллий адабиётлар ўзаро алоқа қиладиган майдон бўлиб, уларнинг узлуксиз ўзаро алоқаси, бир-бирларини бойитишида асосий восита бадий таржимадир. Ҳозир мамлакатимизда бадий-тарихий таржима адабиёти юз мингларча нусхани ташкил этади. Бу таржима денгизини ўқувчилар томонга қараб йўналтириш, уларнинг бадий қиммати, зуваласи, аниқлиги меъёрини тайин этган ҳолда, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб чиқишга тўғри келадик, мана шу ўринда адабий жараённи тартибга солиб турувчи муҳим восита - таржима назарияси ва танқиди иш беради. Беҳад улкан таржимавий фаолият кенгайиб, кучайиб, орқаси мустаҳкамланиб, аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Эндиликда бу чинакам давлат аҳамиятига молик фаолият бўлиб, мамлакатимизда таржимага эътибор ҳам шунга лойиқдир. Масалан, ўзбек тилидан турк тилига асарлар таржима қилган Аҳсан Батур замонавий ва тарихий романларнинг ўзбек тилидан турк тилига ўгирилиб, нашр этилишида ташаббускор бўлган. Чунончи, ўзбек адибларидан Абдулла Қодирий, Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубовларнинг машҳур асарлари турк китобхонларига тақдим этилган.**

Жаҳон маданиятининг ривожига жамики халқлар баҳоли кудрат ўз улушларини қўшганлар. Шарқ араб адабиётига ўзининг чексиз ҳиссасини қўшган машҳур марокашлик араб сайёҳи Ибн Баттутадир. Унинг “Саёҳатнома” деб номланган асари ўрта аср мамлакатлари, шаҳарлари, уларнинг халқлари маданияти, турмуш тарзига оид ғоят қимматли, кўп ўринларда ягона маълумотлари билан бошқалардан ажралиб туради.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”, Ўзбекистон, 2009, 32-б.

Том маъноси билан сайёҳ олим бўлган Ибн Баттута инсоният билимлари хазинасига жуда қимматли ва ҳар тарафлама ҳисса қўшди. “Саёҳатнома” асари муаллифи Ибн Баттута ўзини кўпроқ географ ва этнограф деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг илмий қизиқишлари доираси фақат шу фан билангина чекланиб қолмаган. Худди шундай ёндашувни унинг “Саёҳатнома” асаридаги Ўрта Осиё саёҳатига оид маълумотларда ҳам кузатамиз. Саёҳатшунос олим ушбу саёҳати ҳақида қайдларида тарихий-этнографик, яъни халқ тақвимлари, оилавий маросимлари билан боғлиқ кўпгина урф-одатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирган. Ибн Баттутанинг асарида келтирилган маълумотлар нафақат Ўрта Осиёга бағишланган, балки бутун дунё китъаларига мансуб бўлганлиги учун ҳам қимматли бўлиб, сайёҳ Ўрта Осиё шаҳарларидаги кўпгина тарихий шахс номларини, қўлланилган атамаларни ўз асарида аниқ равшан келтириб ўтади, ва ўз фикрларини мустаҳкамлайди. Ана шу жиҳатдан ҳам Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асаридаги миллий калорит ва миллий хос сўзларга оид бўлган маълумотларни ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари ҳақида шарқшунос олимлар - филолог ва географлар, тадқиқотчи ва этнографлар турли ҳажм ва мазмундаги илмий ишлар, мақолалар, оммабоп китобларни яратишган. Лекин Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асарида миллий хос сўзларнинг ўзбек тилидаги таржимасида берилиш масаласи фанда махсус мавзу сифатида қўйилган эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор шарқшунос олимлар бу масала юзасидан бошқа мақсадлардаги ишлари давомида кўплаб қимматли фикрлар изҳор этишган. Уларнинг ўз даврида турли нуқтаи назардан билдирган мулоҳазалари бугун баъзан эскирган, баъзан эса методологик жиҳатдан холислик мезони талабларига жавоб бермайди.

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари ҳақида шарқшунос олимлардан

Г.В. Милославский<sup>1</sup>, И.Ю. Крачковский<sup>2</sup>, И. Тимофеев<sup>3</sup>, П.Г. Булгаков<sup>4</sup>, Н. Ибрагимов<sup>5</sup>, Ҳ. Ҳасанов<sup>6</sup>ларнинг таржима, мақола, рисола, илмий тадқиқот ва китобларини кўрсатиб ўтиш лозим.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотимизда Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асаридаги Ўрта Осиё саёҳатида оид маълумотлар ҳамда ўша давр аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихий шахс, жой номлари, миллий таом ва миллий либосларнинг таржимада берилиши ва лексик таҳлил асосида ёритиш асосий мақсад қилиб олинди. Буни атрофлича ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни белгилашни лозим топдик:

- Ибн Баттута шахси ҳақида маълумот ва у яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият;
- Ибн Баттута томонидан яратилган “Саёҳатнома” асари ва унинг тарихий манбаларда ёритилиши;
- Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари таржима ва нашрларининг берилиши ва шарқшунос олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларининг аҳамияти;
- Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари Ўрта Осиёга уюштирган саёҳатида оид маълумотлар таҳлили ва муҳим натижалари;
- Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асаридаги Ўрта Осиёга саёҳатида тарихий шахсларнинг таржимада берилиш хусусиятлари;
- Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳатида тарихий жой номларининг таржимадаги ўрни;
- Ўрта Осиё аҳолисининг урф-одат ва маросимларига оид маълумотлар;

---

<sup>1</sup> Милославский Г.В. Ибн Баттута. М., 1974.

<sup>2</sup> Крачковский И.Ю. Арабские географы и путешественники. – ИРГО. В п. 19, № 5, 1937.

<sup>3</sup> Тимофеев И. Ибн Баттута. М., 1983.

<sup>4</sup> Булгаков П.Г. Сведения арабских географов IX – начала X в. о маршрутах и городах Средней Азии. Автореферат канд. дис. Л., 1954.

<sup>5</sup> Ибрагимов Н. «Путешествие» Ибн Баттуты (переводы и публикации). – Вопросы восточного литературоведения и текстологии. М., 1975.

<sup>6</sup> Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар. Тош., 1964.

- Ўрта Осиё аҳолисининг миллий либос ва таомларнинг таржимада ўзига хослилиги.

**Тадқиқотнинг услубий асослари.** Битирув малакавий иши мавзусини ёритишда Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари ва шарқшунос, этнографшунос ва географларнинг илмий асарлари ва хулосаларига таянилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Юқорида айтилганидек Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асарида миллий хос сўзларнинг таржимада берилиши фанда махсус мавзу сифатида қўйилган эмас. Шунинг учун ушбу асарда миллий хос сўзларнинг таржимада берилиши унинг илмий янгилигини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, уч боб, олти қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мазкур иш ТошДШИ Шарқ филологияси ва фалсафа факультети Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси 2014 йил “5” майдаги “3” - сонли мажлисида қўриб чиқилди ва ҳимояга тавсия этилди.

## І БОБ. “САЁҲАТНОМА” АСАРИ ЯРАТИЛИШИ ВА ТАРЖИМА ТАРИХИ

### 1.1. Ибн Баттута ҳаёти ва “Саёҳатнома” асари

Ибн Баттута жаҳон маданияти ва тафаккури ривожда Ибн Хурдодбех, ал-Яъқубий, ал-Истахрий, ал-Муқаддасий, ал-Масъудий, Ибн Ҳавқал каби ўрта аср араб географлари ҳамда Абу Ҳамид ал-Ғарнотий, Ибн Фадлон, Ибн Жубайрлардек<sup>1</sup> сайёҳлар орасида ўзининг “Саёҳатнома”си билан алоҳида ўрин тутган машҳур араб сайёҳидир. Академик И.Ю.Крачковский Ибн Баттутани “Барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиққан сўнгги энг буюк сайёҳ”, дея эътироф этган эди<sup>2</sup>. Ибн Баттутанинг ўзи ҳақида биографик маълумотлар кам. Атоқли сайёҳнинг номи кенг тарқалган бўлишига қарамай, араб тарихий манбаларида у ҳақда иккитагина кичик қайдни топиш мумкин: бири – Ибн Ҳалдуннинг машҳур “Муқаддима”сида<sup>3</sup>, иккинчиси – Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг биографик луғатида. Ал-Асқалоний Ибн Баттута ҳақида сўзлаб, ўз замондошлари Ибн ал-Хатиб (вафоти 1374 й.) ва Ибн Марзуқ (вафоти 1448 й.) маълумотларига таянганини айтади. Шунга қарамасдан Ибн Баттутанинг ҳаёти ва шахсияти ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи унинг ўз “Саёҳатнома” асари эканини таъкидлаш лозим.

Ибн Баттутанинг<sup>4</sup> тўлиқ исми – Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ал-Лавотий ат-Танжийдир. Келиб чиқиши лавот (илавотин) деган барбарлар қабиласидан бўлиб, 703/1304 йили Танжада таваллуд топган. Ибн Баттутанинг туғилган йилини унинг ўз сўзларидан аниқлаб олса бўлади: “Мен киндик қоним тўкилган ватаним – Танжадан 725 тоқ йили Аллоҳ таолонинг оyi – ражаб ойининг иккинчи куни, пайшанба (1325 йилнинг 14 юни) ... сафарга чиқдим...

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома “Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор” – Т., 2012. – Б.1.

<sup>2</sup> Арабские географы и путешественники. ИРГО. 1937.

<sup>3</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.8.

<sup>4</sup> Ибн Баттута исмини икки “т” билан ёзишни 1918 йилда А. Фишер таклиф этган.

Мен ўшанда йигирма икки ёшда эдим”<sup>1</sup>. Бу санани “Саёҳатнома”нинг муҳаррири Ибн Жузайй ал-Калбий (вафоти 1356 й.) сўзлари ҳам яна бир бор тасдиқлайди. У Ғарнота шаҳрида Ибн Баттута билан суҳбатлашганини эслаб, ёзади: “Менга Абу Абдуллоҳ (Ибн Баттута) Ғарнота шаҳрида сўзлаб берганига караганда, у Танжа шаҳрида 703 йил, ражаб ойининг еттинчиси, душанба кунида (1304 йилнинг 24 феврилида) таваллуд топган экан”<sup>2</sup>.

Ибн Баттута туғилган оила ўрта ҳол шаҳар фуқаросига мансуб эди. Отаси – оддий фақиҳ (ислом ҳуқуқшуноси), афтидан, ўғлининг дурустроқ, билим олиши учун етарли маблағга эга бўлмаган. Ибн Баттута илм олишни ният қилиб, атоқли мусулмон алломаларининг ваъзларини тинглаш ниятида таваккал қилиб, Маккаи мукаррамага жўнайди. Камбағал ва лекин мард, ёш сайёҳ ёлғиз яёв йўлга чиқиб, Тилимсонга етиб боради. Сўнгра Милёна томон юриб, йўл-йўлакай Тунис савдогарлари тўдасига қўшилади, улар билан бирга Жазоир орқали Бижойа шаҳрига етиб келади. Бу ерда у маҳаллий мансабдорлар ҳамда ҳукмдорларнинг тазйиқ ва таъқибига учрайди. Сайёҳ касал бўлиб қолганига карамай, сафарини давом эттиришга қарор қилади. Ибн Баттутанинг дарбадарликлари мана шу пайтдан бошланган эди. Унинг босиб ўтган йўллари ва сафар хронологияси И.Хрбек, шунингдек, бошқа олимлар (Ф.Бадавий, Г.В.Милославский)<sup>3</sup> томонидан ўрганилган. Лекин Ибн Баттута ҳақли равишда Магелланга қадар ўтган энг буюк сайёҳлардан бири ҳисоблангани учун биз ҳам унинг юрган йўлларини баён этамиз, токи бу тенгсиз саёҳатнинг миқёси ўқувчиларнинг кўз ўнгида намоён бўлсин.

И.Ю. Крачковский Ибн Баттутани “энг охирги универсал амалиётчи – географ, китобхўр – кўчирмачи эмас, балки ғоят кўп мамлакатларни шахсан

---

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.9.

<sup>2</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.9.

<sup>3</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.9

кезиб чикқан сайёх”, деб атайди<sup>1</sup>. У ўзининг йигирма саккиз йиллик сафари давомида шимолий ва ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Ҳиндистон ва Испания, Туркия ва Эрон, Ўрта Осиё ва шарқий Европа ҳамда Хитойнинг юзлаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чикди. Ибн Баттутанинг саёҳати ҳақиқий жасорат, шу билан бирга ғоят катта жисмоний ва маънавий матонатгина эмас, хушёрлик, турли вазиятларга мослаша билишни ҳам талаб қиладиган оғир ва машаққатли меҳнат эди. Унинг бутун ҳаёт йўли саргардонлик ва дарбадарлик билан ўтганки, уни сафару саёҳатлардан ажратиб баён этиш мумкин эмас.

Ибн Баттута худди Марко Поло сингари, гоҳида бизга арзимас бўлиб кўринган ҳодисаларга тўхталади, чунончи ўзини қаерда қандай кутиб олганликлари, берган тухфалари тўғрисида батафсил ёзади. Аммо буни муаллифнинг ўзига “ортиқча бино кўйиш” иллатига йўйиш хато бўларди. Ибн Баттута бундай тасвирларни ўзи учун жуда муҳим деб билган, чунки амир ё султоннинг келган сайёҳга ўзининг қайси томонидан жой таклиф этиши ҳам ўша давр расмига биноан катта маъно касб этар эди.

Ибн Баттутанинг турли халқлар ҳаёт тарзи, кийиниш маданияти, урф-одатлари ва эътиқодлари борасидаги тафсилотларга тўхталиб ўтиши баъзи тадқиқотчилар томонидан уни нафақат сайёҳ, фақиҳ, тарихчи, балки ўрта аср илк антропологларидан<sup>2</sup>, баъзилар томонидан эса этнологларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган<sup>3</sup>.

Ибн Баттута саёҳати даврасининг биринчи белгиси – ҳаж сафарлари, араб дунёсида анъана бўлиб, қолган маълум ва машҳур қадамжолар зиёратидан иборатдир. Саёҳатнинг кейинги давраси – мутлақо янги босқич бўлиб, унда Ибн Баттута кўз ўнгимизда энди шунчаки зиёратчи эмас, балки зукко ва синчков кузатувчи, тобора янгидан-янги элу-элатларни, янги ўлкаю минтақаларни

---

<sup>1</sup> Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. – Избранные сочинения. Т. IV. М. – Л., 1957, Б.416-417.

<sup>2</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.4.

<sup>3</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.4.

кўриш-билиш иштиёқида ёнган билимдон сайёҳ бўлиб, гавдаланади. Унинг манфаат ва кизиқиш доиралари кенгая бориб, сайёҳнинг диққат марказида, аввало, инсон шахси намоён бўлади<sup>1</sup>

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида бизда маълумот жуда кам. Ҳатто унинг вафот этган йили ҳам ҳозиргача маълум эмас. Ибн Жузайй китобининг хотимасидаги сўзларга қараганда, Ибн Баттута шарқий Африка саёҳатидан қайтганидан кейин сарой олимлари қаторида ишлаган. Фосда у, афтидан, саройда яшамоқчи бўлган. Аммо китоб устида иш тамомлаганидан сўнг тез орада у ҳомийсидан маҳрум бўлади (Абу Инон 1358 йилда вафот этган) ва “ад-Дурар ал-камина” муаллифининг хабар беришича, умрининг охириги йиллари Марокашнинг чекка шаҳарларида қозилик вазифасида ишлайди<sup>2</sup>.

Европа олимларининг кўпчилиги ўз тадқиқотларида Ибн Баттута 1377 йилда вафот этган, деб кўрсатадилар. Аммо бу сана қайси манбаларга асосланиб белгиланганини аниқлаш мумкин бўлмади. Бизга маълум бўлишича, сайёҳ ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида эслатувчи бирдан-бир манба Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг биографик сўзлигидир. Бу олим Ибн Марзуқ маълумотиغا таяниб, (770/1368-69) йилларда Ибн Баттута ҳали ҳаёт бўлганлигини айтади.

Баъзи маълумотларга қараганда, Ибн Баттута Танжа яқинида дафн этилган, бу ерда “авлиё Аҳмад ат-Танжий қабри” бор, дейдилар, сайёҳнинг хоки шу ерда бўлса, эҳтимол<sup>3</sup>.

Ўз саёҳати давомида энг камида 60 та ҳукмдор, бундан неча баробар кўпроқ вазир, волий ва давлат арбоблари билан танишган Ибн Баттута саёҳатномасида шахсан таниган ёки қабрларини зиёрат қилган 2000 дан ортиқ киши ҳақида сўз юритади.

<sup>1</sup> Милославский Г.В. Ибн Баттута. М., 1974. 38-39-б.

<sup>2</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.23.

<sup>3</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.23.

Асрлар ўтган бўлса-да, Ибн Баттута итмий мероси жаҳон аҳлини ўрта асрларда яшаб ўтган халқлар тарихи, маданияти, ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи билан таништириб, қизиқарли ҳаёт манзараларига ҳамроҳ қилди. Бугунги кунда ҳам турли мамлакатлар, элатларда Ибн Баттута шахсига ҳурмат-эҳтиром билдирилиб, унинг бетакрор илмий меросидан баҳра олиб келинмоқда.

Ҳалқаро Ислом ва маданияти ташкилоти (ISESCO) томонидан 1996-1997 йилларни “*Ибн Баттута йили*” сифатида эълон қилиниб, шу муносабат билан амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида, унинг туғилиб ўсган ватани Танжада Ибн Баттута номига бир музей бунёд этилди.

## 1.2. “Саёҳатнома” асарининг таржима ва нашрлари

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома”си ўзининг қизиқарли, нодир маълумотлари билан жаҳон илм аҳлини қизиқтирмай қолмаган. Муҳаммад ибн Фатхуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Байлуний XVII аср охирида саёҳатномани қисқартириб, “Ибн Баттута саёҳатномасидан парчалар” деб атаган. Европа шарқшунослари Ибн Баттутани айти мана шу қисқартма орқали таниганлар. Саёҳатномага 1808 йили немис сайёҳи Зеетцен биринчи бўлиб диққатни тортган<sup>1</sup>. 1818 йили Козегартен саёҳатноманинг Ҳиндистон, Хитой ва Суданга бағишланган уч қисмини лотин тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Козегартен Ибн Баттута ахборотларининг ҳаққонийлигини текшириш учун бошқа географик манбаларни ҳам жалб этадики, улар билан солиштирганда китобхон Ибн Баттута саёҳатномасининг нақадар катта тарихий-географик қийматга эга эканига янада амин бўлади. Шунингдек, Козегартеннинг шогирдларидан бири Генрих Апец парчаларнинг Малабар соҳиллари ва Малдив оролларига бағишланган яна бир қисмини нашр эттирган. Ўша йилнинг ўзида машҳур сайёҳ Бургҳарднинг Нубияга саёҳат китоби чиқди. Унинг охирига саёҳатнома ҳақида ал-Байлуний парчаларига асосланиб ёзилган мақола, шунингдек, Бургҳард Мағриб сафарида қўлга киритган уч қўлёзма илова қилинган эди. Бургҳард вафотидан кейин саёҳатноманинг қисқартирилган нусхаси қўлёзмалари Кембридж университети кутубхонасига бориб тушди.

Инглиз шарқшуноси Самуэл Ли ал-Байлуний тузган парчаларнинг тўла матнини инглиз тилига таржима қилади. Аммо унинг таржималари аниқ бўлмай, баъзи жойларда асл нусханинг эркин баёнидан иборат эди. Саёҳатноманинг тўлиқ таржимаси биринчи марта 1840 йили Лиссабонда амалга

---

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б. 24.

оширилди. Португалиялик руҳоний А. Моура 1790 йилда Фосда бўлган чоғида саёҳатнома қўлёзмасини топиб олади ва уни португал тилига таржима қилишга қарор қилади. Моура таржимасининг биринчи жилди 1840 йили Лиссабон академияси нашриётида чоп этилган. У Миср, Сурия, Яман, Макка, Кичик Осиё ва Олтин Ўрда сафари таассуротларини ўз ичига олган эди<sup>1</sup>. Бироқ Моуранинг вафоти туфайли бу иш охирига етмай қолди.

Саёҳатноманинг Барон де Слэн томонидан асл матндан французчага қилинган айрим қисмлари 1843 йили француз арабшуноси Эдуард Дюларье яна ўша “Азиатик журнали”да саёҳатноманинг Малайя ороллари ва Тавалиси сафарига бағишланган бобларининг матни ва таржималарини босиб чиқарди. Бу нашр француз шарқшуноси Ш. Дефремерини қизиқтириб қолди ва у Эрон ва Марказий Осиё сафарларини тасвирловчи бобларни тўла қўлёзмадан французчага таржима қилди ва 1848 йилда босиб чиқарди.

Мана шу нашрлар туфайли шарқшунослар саёҳатноманинг тўла танқидий матнини тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда уни ҳар томонлама тадқиқ этиш зарурлигини батамом англаб етдилар. Ш. Дефремери Б. Сангинетти билан биргаликда бу ишга бел боғлайди.

Шубҳасиз, Ш.Дефремери Б. Сангинетти Ибн Баттута саёҳатномаси матнини тиклаш, уни очиш ва тушунтириш юзасидан бениҳоя катта иш қилиб, 1849-1853 йиллар орасида арабча танқидий матн билан биргаликда француз тилига изоҳли таржимани нашр этдилар. Бу нашр асарнинг ундан кейинги Европа ва шарқ тилларига кўп сонли таржималари, шунингдек, матннинг ҳамма арабча нашрларига ҳам асос бўлди. Кейинчалик араб оламининг турли жойларида ўнлаб нашрлар дунё юзини кўрди.

Йигирманчи асрда саёҳатномани тадқиқ этиш ва инглиз тилига таржима қилиш ишлари билан таниқли инглиз арабшуноси Ҳамилтон Гибб шуғулланди.

---

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б. 24.

У 1929 йилдаёқ Лондонда саёҳатноманинг қисқача, лекин бағоят мазмунли изоҳлар билан таъминланган мухтасар таржимасини чоп этган эди. Гибб бу борадаги тадқиқотни давом эттириб, 1956-1971 йиллар орасида араб таржимаси ва изоҳларини нашрдан чиқарди.

Шарқда энг биринчи таржималардан Муҳаммад Шарифнинг турк тилига қилган таржимаси (1897-1901)ни кўрсатиб ўтиш лозим<sup>1</sup>. 1970 йили эса Техронда Муҳаммад Али Муваҳҳиднинг форс тилидаги таржимаси нашр этилди.

Ибн Баттута саёҳатлари ва ундаги қимматли маълумотларга Россияда ҳам катта қизиқиш билан қаралди. 1841 йилдаёқ “Русский Вестник” журналида “Россия хорижликлар назарида” рукни остида Ибн Баттута саёҳатларидан парчалар таржима қилиб берилган эди. Орадан йигирма йил ўтгач, В. Тизенгаузен қаламига оид “Олтин Ўрда тарихига оид манбалар мажмуаси”да биринчи марта Ибн Баттута асаридан йирик-йирик парчаларнинг нисбатан аниқ таржимаси юзага келди. Ибн Баттута саёҳатномасининг Дашти Қипчоққа оид қисми татар тилига таржима қилингани ҳам диққатга лойиқдир. Араб тилининг билимдони Ризоуддин ибн Фаҳруддин қаламига мансуб бу таржима 1917 йили Оренбургда алоҳида китобча ҳолида нашр қилинди.

Ибн Баттута ва унинг “Саёҳатнома” асари бугунги кунга қадар инглиз, француз, немис, лотин, италян, чех, поляк ҳатто португал тилларига тўлиқ таржима қилиниб, нашр этилганига қарамай, юртимиз тарихи билан бевосита боғлиқ, ўзи мансуб бўлган асрга оид ғоят нодир маълумотларни ўзида мужассам этган бўлса-да, ҳалигача ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинмаган эди. Фақатгина “Саёҳатнома”нинг Марказий Осиёга оид қисмлари таржима қилиниб, унда Ибн Баттута асарининг юртимиз тарихини ўрганишдаги мислсиз аҳамиятига эътибор қаратилган эди.

Бир гуруҳ арабшунос олимлар томонидан “Саёҳатнома”нинг ўзбек тилига

---

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б. 25.

тўлик таржимаси амалга оширилди. Таржимага 2008 йилда Байрутда “Аср кутубхонаси” нашриётида араб тилига нашр этилган икки томлик “*Риҳлат ибн Баттута*” китоби асос қилиб олинди. Шунингдек, Ш. Дефремери ва Б. Сангинетти томонидан 1849-1853 йиллар орасида Парижда изоҳлар билан тўлдирилиб нашр этилган арабча матни, Марокашда “Мағриб қироллиги академияси” нашриётида Абдулҳодий ат-Тозийнинг 1997 йилда нашр этилган олти томлик “*Риҳлат ибн Баттута*” (“Ибн Баттута саёҳатномаси”) номли тадқиқоти, шунингдек, Муҳаммадшариф Пошшонинг 1907 йилда Истанбулда нашр этилган туркча таржимасининг Мумин Чевик амалга оширган “*Büyük dünya seyahatnamesi*” номли қисқартмаси ҳам қиёсий ўрганилди, таққосланди ва таржима жараёнида фойдаланилди. Таржима асносида ўзбек тилидаги матн кўплаб изоҳлар, тарихий-географик жойлар ва атамаларнинг илмий шарҳлари билан бойитилди.

Ибн Баттута “Саёҳатнома”сининг ўзбек тилига қилинган академик таржимаси тарихчилар, этнографлар, географлар, шарқшунослар, тилшунослар, адабиётшунослар ва барча китобхонлар оммаси учун ўрта асрларда яшаб ўтган халқлар тарихи, уларнинг турмуш тарзи, тарихий географияси, маданияти, санъати, маънавий-маърифий ҳаёти, урф-одатларидан ҳикоя қилувчи муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

## II БОБ. “САЁҲАТНОМА” АСАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА БАҒИШЛАНГАН БОБИ ТАРЖИМАСИДА ТАРИХИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

### 2.1. Тарихий шахслар номининг таржимада берилиши

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё республикаларида яшовчи халқлар тарихини ҳамда тарихий географиясини, шунингдек маданият, санъат тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларини тадқиқ қилишда араб географик адабиёти обидаларининг аҳамияти каттадир. Муаллифлари турли халқларга мансуб бўлишидан қатъий назар, улар маълум анъана, ҳамда устувор давомийлик воситасида асрлар ва мамлакатлар оша ўзаро маҳкам боғланган, араб тилида ёзилган асарларнинг кенг миқёсли жамулжамидан иборат. IX асрга оид ал-Балазурий, Ибн Ҳурдодбех, ал-Яъқубий, X асрга оид ал-Истаҳрий, Абу Дулаф, ал-Муқаддасий, ал-Масъудий, ал-Хоразмий, ад-Диноварий, ат-Табарий, Ибн Мискавайх, Ибн Руст, Ибн ал-Фақих, Ибн Ҳавқал каби алломаларнинг асарлари шулар жумласидандир<sup>1</sup>. XI аср буюк ал-Беруний асарларида намоён, XII асрдан ал-Идрисий, Марвазий ва ас-Самъоний қўлёзмалари сақланган, XII – XIII асрлардан Ибн ал-Асир, Ёқут ал-Ҳамавий, XIV асрдан эса ал-Умарий ва Ибн Арабшоҳ гувоҳлик берадилар. Ҳозирги замон олимлари Ўрта Осиё, Кавказ ва Русиянинг Оврупо қисмида яшовчи халқларнинг тарихий ва маданий тараққиёти манзараларини тиклашда мана шу ва шунга ўхшаш бошқа тарихчилар қолдирган бой меросга таянадилар.

Ушбу саҳифаларда тадқиқ қилинаётган “Ибн Баттута саёҳати” (XIV аср) араб сайёҳлари қолдирган ёзма ёдгорликлар орасида алоҳида ўрин тутади.

“XIII – XIV аср коинот тавсифлари ва қомусларидан кейин, - деб ёзади И.Ю. Крачковский, - умуммусулмон ёзма адабиёти ўз авж нуктасини топади... саёҳатнома жанри миқдор жиҳатидан узлуксиз бойиб боради, бу ўринда яна

---

<sup>1</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993. – Б.3.

эътиборга лойиқ жойи шуки, барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиққан сўнги буюк сайёҳ ҳам XIV асрга мансуб. У ҳам бўлса машҳур Ибн Баттута дир. Унинг саёҳатномаси араб мактабларида ҳануз ўқитилмоқда... Олтин Ўрда ёки Ўрта Осиё ҳақида бирон асар йўқки, бу зот тилга олинмаган бўлса<sup>1</sup>...”

Ўрта Осиё тарихининг кам ўрганилган даврлари ҳақида Ибн Баттута қолдирган маълумотларнинг муҳимлигига бошқа шарқшунослар ҳам кўплаб эътибор берганлар. Ибн Баттутанинг шахсий таассуротларига асосланган қизиқарли ёзмалари (асарнинг тўла номи – *“Тухфат ан-нуззор фи зароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор”* дир) тарихнинг ўша давр маҳаллий солноманавислари томонидан қайд этилмаган кўп жойларини тўлғазади. Сайёҳ XIV аср биринчи ярмидаги Ўрта Осиё маданий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг ёрқин, ҳаққоний манзараларини чизадики, бу бизнинг қизиқишимизни янада оширади. Ибн Баттутанинг ўша давр Ўрта Осиё шаҳарлари ва шаҳар ҳаёти ҳақидаги таассуротлари бошқа манбаларда сира ўхшаши йўқ ҳикоялардир.

Ибн Баттутанинг саёҳати Ўрта Осиё халқлари ҳаётида энг мураккаб ва оғир вақтларга – мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Араб сайёҳи бу ерларга мўғул босқинидан юз йилча кейин етиб келган бўлса ҳам, бир замонлар яшнаб ётган элларнинг оғир яралари ҳали батамом тузалганича йўқ, шаҳар вайроналари, ҳар қадамда билиниб турар эдики, “Саёҳатнома”да булар ёрқин ифодалангандир. Академик Б.Ф. Гафуровнинг таъкидлашича, “Мўғул истилоси Ўрта Осиё халқларига битмас-туганмас мусибатлар келтирди. Талон-тарож ва ёнғинлар оқибатида Мовароуннаҳр шаҳарлари ер билан яксон бўлди, меҳнаткаш аҳоли қатли омга дучор этилди. Қишлоқ хўжалиги бесамар тушқун ҳолатга келди”<sup>2</sup>.

Маълумки, тарихий асар таржимасида миллийлик ва хос сўзлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хос сўзлар асар тилининг ажралмас қисми

<sup>1</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б. 3.

<sup>2</sup> Б. Г. Гафуров. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972. т. 1-2.

бўлиб, улар ёрдамида муаллиф қаҳрамон образини яратади, халқнинг миллий хусусиятини тасвирлаб беради. Улар бадиий асарнинг миллий колоритини ифода этади, турли услубий вазифаларни бажаради, ходиса ва предметларнинг хусусиятини ҳаққоний, тўғри тасвирлашга ёрдам беради”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам реалиялар бадиий-тарихий таржиманинг таржимонни қийнаб қўядиган, таржимани мураккаблаштирадиган, кўпинча уни чалғитадиган жиҳатларини ташкил этади. Миллий хос сўзларга тарихий асар таржимасида киши номлари ва лақабларининг берилиши ҳам мавжуд: Иля – Илёс, Соломон – Сулаймон, Авраам – Иброҳим, Иисус – Исо (Масих), Каин – Қобил, Адам – Одам Ато, Ева – Момо Ҳаво, Аристотел – Арасту, Платон – Афлотун, Сократ – Суқрот, Гален – Жолинус, Гиппократ – Буқрот, Ибн Сино – Авиценна ва ҳоказо.

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асарида сайёҳ Ўрта Осиёга ташриф буюрар экан, у ернинг урф-одатлари, анъаналари, амир ва маликлар билан учрашувлари, буюк олим ва фузалоларимизнинг қабрларини зиёрат қилиши унинг Ўрта Осиёга бўлган қизиқишини янада орттиради. Ибн Баттута Ўрта Осиёдаги амир ва маликлар билан учрашади ва ўз асарида уларнинг номларини аниқ бериб ўтади. Асарнинг ушбу боби таржималарида шарқшунос олим ва таржимонлар асл нусхада берилган шахсларнинг номларини аниқ изоҳлар билан келтириб ўтишади ва улар ўз она тилларига қайдай таржима қилганларини кўриб чиқамиз. Байрутда нашр этилган <sup>2</sup>"رحلة ابن بطوطة", Игорь Тимофеевнинг “Ибн Баттута”<sup>3</sup>, Неъматилла Иброхимовнинг “Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати”<sup>4</sup> ҳамда А.Саит. Айкутнинг “İbn Battûta Seyahatnâmesi”<sup>5</sup> номли китоблари таржималарида тарихий шахслар, хусусан, амир ва подшоҳларнинг

<sup>1</sup> Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадиий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982. 158-б.

<sup>2</sup> Рихлат Ибн Баттута. Байрут. 1968.

<sup>3</sup> Тимофеев И. Ибн Баттута. М., 1983.

<sup>4</sup> Н.Иброхимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993.

<sup>5</sup> А. Saït Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi / Ebû Abdullah Muhammed İbn Battûta Tancî Özgün adı: *Rihletü İbn Battûta = Tuḥfetü'ti-Nuzzârîfi Garâibi'l-Emsârve Acâibi'l-Ësḫar*. Yayı Kredi Kültür Sanat Yayıncılık Ticaret Ve Sanayi. İstanbul. A:Ş., 2004

номлари турлича таржима қилинган.

Ибн Баттута Хоразмга келар экан, Хоразм амири Қутлудумур мамнуният билан сайёҳни кутиб олади.

قطلودمور [Қутлудумур<sup>1</sup>], И.Тимофеев уни “Қутлуг-Тимур” деб таржима қилади. Ибн Баттута унга қуйидагича изоҳ беради.

هو الأمير قطلودمور و معنى اسمه الحديد المبارك. لأن قتلوه هو المبارك و دمور هو الحديد. و هذا الأمير ابن خالة السلطان المغظم محمد أوزبك، و أكبر أمرائه، و هو اليه على خراسان.<sup>2</sup>

У улуғ амир Қутлудумурдир. Қутлудумур “қутлуғ темир” дегани. Бу амир улуғ султон Муҳаммад Ўзбек холасининг ўғли ва унинг энг буюк амиридир. Қутлудумурнинг ўзи султоннинг Хуросондаги волийси ҳамдир. Хоразмдаги мадраса ва унга туташ бошқа иморатларни мазкур амир қурдирган. (Н.Ибоҳимов таржимаси).

Турк тилида шундай таърифланган: *Huvârezm beyi, Büyük emir Kütlü Dümûr'dur. İsminin anlamı “hadîd-i mübarek”tir. Çünkü “kutlû”, mübarek [=kutlu] anlamına geliyor, dümûr ise hadîd [=demir] manasındadır. Bu adam Sultan Muhammed Uzbek'in teyze oğludur ve onun emirlerinin en büyüğüdür. Daha önce Horasan valisiydi. Ziyaret ettiğim medreseyi ve çevresindeki yapıları o yaptırmış.*<sup>3</sup>

Юқорида асарнинг ҳам араб, ҳам ўзбек, ҳам турк тилларига ўгирилган таржималарини кўришимиз мумкин. Шакл кам бўлиши билан, лекин маъно-мазмун асл ҳолатда турибди.

Шундан сўнг Ибн Баттута машхур алломаларнинг қабрларини зиёрат қилади. Хоразмда энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмуддин ал-Кубро қабрига ташриф буюрадилар. Ибн Баттута амир саройида бир муддат туради, сўнгра у Бухорога йўл олади. Бухорода муҳаддислар имоми бўлган Абу

<sup>1</sup> Қутлудумур (Қутлуғ Темур) хижрий 721 (мил. 1321) йилда Хоразмга ноиб этиб тайинланган.

<sup>2</sup> Рихлат Ибн Баттута. Байрут. 1968. Б. 279.

<sup>3</sup> A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 588.

Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрини зиёрат қилади. Таржимада ушбу шахсларнинг номи араб, рус, ўзбек ва турк тилларида аниқ зикр этилган. Бухорони тарк этиб, Мовароуннаҳр султони, Чингизхон авлодидан бўлган художўй султон Алоуддин Тармаширин қароргоҳи томон йўл олади.

علاء الدين طرمشيرين [Тармаширин<sup>1</sup>] Н.Иброҳимов ва И.Тимофеев китобларида ҳам худди шундай таржима қилинган. Ибн Баттута унга шундай изоҳ беради:

و هو السلطان المظم علاء الدين طرمشيرين. و هو عظيم المقدار كثير الجيوش و العساكر ضخمة المملكة شديد القوة عادل الحكم، و بلاده متوسطة بين اربعة من ملوك الدنيا الكبار، و هم ملك الصين و ملك الهند و ملك العراق و الملك أوزبك. و كلهم يهابونه، و يعظمونه و يكرمونه.<sup>2</sup>

Бу улуғ султон Алоуддин Тармашириндир. У қудратли ҳукмдор, қўшини ҳам ниҳоятда кўп бўлиб, жуда катта мамлакат устидан ҳукмрон, ўзи бақувват ва адолатли одам. Мамлақати жаҳоннинг тўрт улуғ подшоси: Хитой подшоси, Ҳиндистон подшоси, Ироқ подшоси ва Ўзбек-хон мулклари ўртасида жойлашган. Ҳамма Тармаширидан қўрқиб, уни иззат-ҳурмат қилади (Н.Иброҳимов таржимаси). А Саит. Айкутнинг “İbn Battûta Seyahatnâmesi” асаридаги султонга берилган таърифнинг туркча таржимасини келтириб ўтиш мумкин:

*Ulu sultan Alâeddîn Tarmaşîrîn'dir. Büyük bir güce, kalabalık ordulara, geniş bir ülkeye sahiptir. Sevilen sayılan, adaletli bir hükümdardır. Ülkesi dünyanın dört büyük hükümdarının ülkeleri arasında bulunuyor; Çin, Hindistan, Irak ve Uzbek hükümdarlarından bahsediyorum. Onlar Tarmaşîrîn'e çok saygı gösteriyor ve hediye*

<sup>1</sup> Алоуддин Тармаширин – Мовароуннаҳр султони, Чиғатой хонларидан ўн тукқизинчиси. 726-734 (1326-1334) йилларда ҳукмронлик қилган Тармаширин исми буддавийча Дхарма-шила, яъни “Будда қонунларига амал қилувчи” деган маънони англатади. У исломни қабул қилгандан сўнг кўчманчи ҳаёт тарзидан чекингани сабабли Чиғатой улуси шарқидаги кўчманчи мўғуллар унга қарши исён кўтарганлар ва уни ўлдирганлар шундан сўнг Чиғатой хонларининг қароргоҳи Или дарёси соҳилига кўчирилди.

<sup>2</sup> Рихлат Ибн Баттута. Байрут. 1968. 284.

*gönderiyorlar*<sup>1</sup>.

Бундан ташқари Ибн Баттута ушбу султондан аввал мамлакатни бошқарган бошқа Чингизхон авлоди вакиллари хам ўз асарида келтириб ўтади.

الجكطي [Ал-Жакатой<sup>2</sup>] асл исми Эл-Жигидой бўлиб, Ибн Баттута уни Ал-Жакатой деб атайди. Бунинг наздида эса И.Тимофеев, Н.Иброҳимов ва А.Саит. Айкутлар уни ўз ҳолича Ал-Жакатой деб таржима қилишган. У оташпараст ҳукмдорлардан ҳисобланган.

كبك [Кабак<sup>3</sup>] И.Тимофеев таржимасида Кебек деб берилган. Кабак ҳам ғайридин, аммо ўз раиятига адолатли, мусулмонларни ҳурмат қиладиган киши бўлган деб изоҳ беради Ибн Баттута ўз асарида. رحلة ابن بطوطة рисоласида Кабак-хон билан воиз ўртасида қуйидаги сўхбат бўлганлиги ёзилган: يذكر أن هذا الملك كبك كان تكلم يوماً مع الفقيه الواعظ المذكور بدر الدين الميداني فقال له: أنت تقول: إن الله ذكر كل شيء في كتابه العزيز. قال: نعم. فقال: هو في قوله تعالى "في أي صورة ما شاء ركبك" فأعجبه ذلك. و قال: يخشي، و معناه بالتركية جيد. فأكرمه إكراماً كثيراً و زاد في تعظيم المسلمين.

Н.Иброҳимов ўз китобида қуйидагича таржима қилган: Айтибдурларки, бир куни Кабак-хон фақиҳ, воиз, музаккир Бадруддин ал-Майдоний билан суҳбатда ундан: “Сен айтасанки, Аллоҳ ўзининг азиз Каломида ҳамма нарсани зикр қилган, шундайми?” – деб сўраб қолибди. “Ҳа, шундай”, - дебди воиз. “Қани, ундаги менинг номимни кўрсат-чи?” – дебди Кабак-хон. “Сизнинг номингиз Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларида зикр этилган:” “Фи аййи суратин мо шоа рак-кабак” (“Аллоҳ сени ўзи истаган суратда яратди”)<sup>4</sup>, - деб жавоб берибди воиз. Бу подшоҳга маъқул тушиб, “Яхши”, - дебди. Шундан сўнг Кабак-хон воизга ва барча мусулмонларга аввалгидан ҳам яхшироқ лутфу

<sup>1</sup> A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 597.

<sup>2</sup> Ибн Баттута 1326 йилда бир неча ой ҳукмронлик қилган амирнинг исмини шундай ифодалайди.

<sup>3</sup> Кабак – Кўбег (кўппак), ит маъносида. Чигатой хонларидан бири бўлган Кабакхон (Капак-хон) Муборақшоҳдан (1266) ва Бароқ-хондан кейин (1266-1270) икки марта, 709 (1309) ва (1318) дан 726 (1326) йилгача ҳукмронлик қилган.

<sup>4</sup> Куръон, 82:8.

марҳамат, ғамхўрлик кўрсата бошлабди.

Турк тилидаги таржимаси: *Anlatıldığına göre Kebek bir gün Fakih Vâiz Bedreddîn Meydânî ile sohbet ederken soruverin*

“*Sen diyorsun ki Hak Teâlâ her şeyi Ulu Kitabında anmış öyle mi?*” *Vâiz de;*

“*Evet!*” *cevabını verir. Kebek tekrar sorar:*

“*Öyleyse benim ismim bu kitapta nerede?*” *Vâiz cevap verir.*

“*Bu isim, HakTeâlâ'nın şu âyetinde: Fî eyyi sûretin mâ şâe rakkebek!*”

*Kebek hayretler içinde kalır ve şöyle der:*

“*Yahşî!*” *Bu kelime, Türk dilinde “ceyyid” [=iyi, çok iyi] demektir. Böylece ona armağanlar yağdırıyor, Müslümanlara karşı hürmeti artırıyor<sup>1</sup>.*

Ушбу амалга оширилган таржималарни кўрсак, таржимон мутахассисшунослар таржима услуби ва қоидаларига катта даражада аҳамият берганлар. Бу эса таржима маҳоратини юксалтиради.

Ибн Баттута шу тариқа Балхга етиб боради ва у ерда Уккоша ибн Миҳсан ал-Асадий деган авлиёнинг қабрларини зиёрат қилади. И.Тимофеев ва Н.Иброҳимов таржималари айнан ўз холича қолган.

عكاشة بن محسن الاسدي [Уккоша бин Миҳсан ал-Асадий] атоқли саҳобалардан бири бўлиб, Бадр, Уҳуд ва бошқа жангларда иштирок этган. Абу Бакр (р.з.) ҳалифалик даврида ридда урушларидан бирида Тулайҳа ибн Хувайлидга қарши жангда ҳалок бўлган. Балхдан ташқари, Туркистон шаҳрида ҳам Уккоша (р.з.)га нисбат бериладиган қабр мавжуд.

أبو حامد الغزالي [Абу Ҳомид Ғаззолий] – (1059-1111) атоқли мусулмон олими, илоҳиётчи, мутасаввиф, файласуф. Тусда туғилиб, Нишопурда ўқиган, салжук султонлари вазири Низомул-мулкнинг шогирди ва яқин дўсти, Бағдоддаги Низомия мадрасасининг мударриси. Шом, Миср, Фаластин, Макка ва Мадинага сафар, саёҳат қилган. Энг машҳур асари: “Ийҳо ал-улум-ад-дин” (“Диний

<sup>1</sup> A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 597.

илмларнинг тикланиши”).

أبو حوس عمر النسفي [Абу Ҳавс Умар ан-Насафий] – мусулмон ҳуқуқшунос олими (фақиҳ) “Тўрт мазҳаб фақиҳлари ўртасидаги баҳсли масалалар ҳақида рисола” асарининг муаллифи. Бу асарда моликия, ҳанбалия, шофиия ва ҳанафий мазҳабларидаги фарқ, тафовутлар баён қилинган.

Юқорида келтирилган тарихий шахсларнинг исмлари шарқшунос олим ва таржимонлар томонидан аниқ, хатосиз берилган. Таржимонлар бу шахсларга алоҳида тўхталиб ўтмаганлар, чунки ушбу тарихий исмларни таржима қилиш муаммо туғдирмаган.

Ибн Баттута Бешой тоғидаги зоҳид шайх Авлиё Ота зиёратгоҳига келади.

أطا أولياء, أبو الأولياء [Авлиё Ота] И. Тимофеев буни Ата-Авлиё деб таржима қилади. Унинг форсча номи ҳам бўлиб, سيصد صاله [“Сесад сола”] яъни “Сесад” – уч юз, “сола” – йил дегани. Мазкур авлиё уч юз эллик йил умр кўрган. Ибн Баттута бу улуғ шайхга шундай изоҳ беради. Халқ уни ғоят эъзозлайди. Бу ерга жуда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг одамлари шайхни кўришга келадилар. Бир карашда уни эллик ёшда дейиш мумкин. Айтишларича, ҳар йили шайхнинг сочи ва тишлари тўкилиб, янгилари чиқаркан (Н.Иброҳимов таржимаси).

А. Саит. Айкут ўзининг “İbn Battûta Seyahatnâmesi” асарида қуйидагича таржима қилган:

*Sonra Şeyh Atâ Evliyâ'nın zaviyesinin bulunduğu Beşây dağına gittik. Atâ Türk dilinde baba demektir; evliyâ zaten Arapça. Böylece bu kelimenin anlamı “Allah dostlarının babası” demek oluyor. Bu adama Sîsâdsâle de denilir. “Sîsâd”, Farsça üçyüz demektir, “sâle” ise yıl anlamına geliyor. Onlar bu adamın üçyüzelli yaşında olduğunu söylüyorlar; onun hakkında güzel inançlar besliyorlar. Uzak yörelerden ona yöneliyor, buralara kadar yol tepiyorlar. Oraya gelenler arasında sultanlar ve zengin hatunlar da vardır. Onu gören elli yaşında zanneder! Her yüz senede saç ve*

*dişlerinin yeniden geldiđi söyleniyor*<sup>1</sup>.

Мазкур таржималарда таржимонлар асл нусхага таяниб иш қилганлар.

Ибн Баттута Ўрта Осиёга қилган саёҳатида бундан-да кўп уламо ва шайхларни, амир-у маликларни учратади ва улар билан суҳбатлар уюштиради. Бир қарашда Ибн Баттута ушбу исмларни диққат билан келтириб ўтадики, уни таржима қилишда муаммолар пайдо бўлмайди.

---

<sup>1</sup> А. Сait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 633.

## 2.2. Тарихий жой номлари таржимаси ва таҳлили

Ҳар бир бадиий-тарихий ёдгорлик муайян бир даврда содир бўлган воқеа-ходисаларни тасвирлайди. Шунга кўра, тарихий мавзуда битилган асар ҳозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таништиради. Табиийки, бундай асар давр эҳтиёжига мувофиқ тарзда хад-хисобсиз тарихий ва архаик лисоний воситалар билан тўлиб-тошган бўладики, улар китобхон кўз олдида давр руҳини, нафасини жонлантириш билан бирга асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини ҳам оширади. Тарихий ҳамда тарихий мавзуларга бағишланган асарларни таржима қилганда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, тарихий тараққиёт жараёнида кўпчилик сўз ва ибораларнинг маъно ва вазифалари ўзгариб, улар кейинги пайтларда мутлақо ўзгача тушунчаларни ифода этиш учун хизмат қила бошлайдилар. Лисоний бирликлар маъно ва вазифаларидаги бундай ўзгаришларни ҳисобга олмаслик муаллиф фикрини ўзгача талқин қилиб кўйишга олиб келади. Масалан, «басир» сўзи Мирзо Улуғбек замонасида «кўзи ўткир», «ўта сезгир» шахсларга нисбатан қўлланилган бўлса, ҳозирги пайтда, аксинча, «кўр», «кўзи ожиз» каби тушунчаларни англатади<sup>1</sup>.

Хос сўзларнинг таржимада берилишида биринчи навбатда аниқлилик талаб этилади. Юқорида биз тарихий шахсларнинг таржимада берилиш услубларини келтириб ўтдик. Лекин хос сўзлар таркибида жуғрофий номларнинг берилиши ҳам мавжуддир. Масалан, Дашти Қипчоқ – Великий степ, Египет – Миср, Сурия – Шом, Рум – Кичик Осиё, Фаранг, Ажам, Урал – Ёйиқ, Сайхун – Сирдарё, Жайхун – Амударё, Самарқанд – Мароқанд, Чин – Хитой, Канада – уйлар, кулбалар ва ҳоказо.

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари Ўрта Осиёга бағишланган

---

<sup>1</sup> Қ. Мусаев Таржима назарияси асослари. – Т., 2005. – Б.115.

бобининг ўзбек, рус ва турк тилларидаги таржимасида ҳам тарихий ва тарихийлик тушунчалар келтириб ўтилганки, уни пайкамаслик мумкин эмас. “Саёҳатнома” асарининг ушбу қисмида Ибн Баттута тарихий жойларнинг номларига катта эътибор бериб қарайди. И. Тимофеев, Н. Иброҳимов ва А. Саит. Айкутларнинг китобларида жой номлари турли хил таржима қилинган ва шарқшунос олимлар ушбу жой номларининг ўша даврда мавжудлиги ва ҳозирда уларнинг номи ўзгариб, қайси ҳудудга тегишли эканлигини ўзларининг мазкур китобларида изоҳлар орқали келтириб ўтишган. Қуйида ушбу бобнинг таржимасида тарихий жой номларининг берилиши ва унинг таҳлили тадқиқотчиларнинг берган изоҳлари орқали келтириб ўтамыз. Масалан, сайёҳ Хоразмга саёҳати пайтида “Саро”дан чиқиб “Сарожук” шаҳрига етиб келади.

أسرا [Ac-Саро<sup>1</sup>] – Олтин Ўрда пойтахти Саройни Ибн Баттута шундай атайди. А. Саит. Айкут бу жойни “*Serâ*” деб таржима қилган.

سراجوق [Сарожук] – ёки Саройча. “Жук” – “кичик” демакдир. И.Тимофеев “Сарайчик” деб таъриф беради. Ўрта асрлардаги бу шаҳарнинг ҳаробалари ҳозирги Қозоғистон Республикаси, Гурьев шаҳридан 58 км, наридаги Саройчик поселкасида сақланиб қолган шаҳардир. Шаҳарнинг номи қўлёзма манбалар ҳамда XIV асрда шу ерда зарб қилинган тангалар орқали яхши маълум.

خوارزم [Хоразм, Хаваризм] – бу ерда Амударё куйи оқимидаги Хоразм вилояти эмас, балки Ибн Баттута даврида Олтин Ўрда таркибига кирган Ўрта Хоразм давлатининг пойтахти Урганч ҳақида гап боради. Урганч шаҳрини Хоразм шаҳри деб ҳам аташарди. Ибн Баттута шаҳарга шундай изоҳ беради: Бу – туркларнинг катта, муҳим, чиройли, ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ҳамда

---

<sup>1</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б. 89.

жозибатор, кўрам жойлари бор. Шаҳар обод, олиму фозилларга сероб, аҳолиси тўқ, озиқ-овқатга мўл-кўл яшайди. Шаҳар моҳир меъмор ва кориларга бой. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, мавжланиб турган денгизни эслатади. Жума кунлари бу бозорлар ҳолироқ бўлади, чунки ўша куни Қайсария<sup>1</sup> бозори ва бошқа бозорлар ёпиб қўйилади. Хоразм шаҳрини А. Саит. Айкут ўз китобида “*Huvârezm*”<sup>2</sup>, яъни араб тилидаги вариантыни ўз ҳолича таржима қилади.

Турк тилига ўгирилган таржимаси: *Türklerin en büyük, en güzel ve en bakımlı şehirlerin- dendir burası. Temiz çarşıları, geniş caddeleri, sayısız binaları ve eşsiz sanat abideleri ile muhteşem bir şehir. Halk sokaklarda deniz gibi dalgalanıyor! Bazıları buranın Cuma günleri daha az kalabalık olduğunu, zira “kaysâriya” [=ana çarşı] ve diğer çarşıların o gün kapatıldığını söylediler bana.*<sup>3</sup>

إتیل [Итил, Эдил] – Волга дарёси ўрта ва қуйи оқимида шундай аталарди. Ҳозирги Татаристон, Бошқирдистонда ҳозир ҳам шундай аталади.

زمخشر [Замахшар (Измихшир, Змухшир, Зумукшир)] – турк тилида бу жой “*Zemahşer*” деб таржима қилинган. Ўрта асрларда Хоразм вилоятидаги қишлоқ. Ҳозир Туркменистон республикасининг Тошовуз вилояти, Тахта ноҳиясида жойлашган.

كربلاء [Карбало (Машҳади Хусайн)<sup>4</sup>] – Ироқдаги шаҳар, шиалар зиёрат қиладиган қадамжо. Тарихий маълумотларга кўра, Имом Хусайн айнан шу даштда шаҳид қилинганидан сўнг бошини танасидан жудо қилиб, Шомга Язиднинг ҳузурига олиб боришган ва у ердан Мисрга олиб келиб, ҳозирги “Масжуд ал-Хусайн” номли масжид ичига дафн этилган. Ибн Баттута айнан шу

<sup>1</sup> Қайсария – карвонсарой бўлиб, савдо аҳли ўз молларини бу ерга сақлаш учун кўяр эдилар, бу ерда молларнинг ҳимояси учун давлат кафолат берарди.

<sup>2</sup> А. Саит Аюкут. *İbn Battûta Seyahatnâmesi* s. 585.

<sup>3</sup> А. Саит Аюкут. *İbn Battûta Seyahatnâmesi* s. 585.

<sup>4</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б. 91.

жойни зикр этмоқда. Ҳозирги Ироқдаги шаҳарлардан бири.

الماليق [Олмалик] – Или дарёси бўйидаги шаҳар. Хитойда ҳозирги Ғулжа шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган. Олтин Ўрда ва Ўрта Осиёдан Мўғулистон ва Хитойга олиб борувчи карвон йўлида жойлашган муҳим савдо маркази бўлган. Чигатой улуси хонларининг пойтахти шу шаҳарда эди.

ما وراء النهر [Мовароуннаҳр] – И. Тимофеев “Мавёраннаҳр” деб таржима қилган. Ўрта Осиёнинг Ибн Баттута замонидаги умумий номи “Дарё ортидаги” деган маънони билдиради. XI асрда Европа тарихшунослигида мазкур араб атамасининг лотинча таржимаси бўлмиш янги «Трансоксиана» ёки «Трансоксания» атамалари муомалага киритилган.

Ҳозирги замон тарихий-географик илмий адабиётда Мовароуннаҳр деганда, асосан, Туркманистондан ташқари бўлган Ўрта Осиё ҳудудлари, яъни, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисми тушунилади.

بلدة أطرار [Ўтрор<sup>1</sup>] – Хоразмийлар давлати чегарасидаги кичик шаҳар (Ибн Баттута “балда” дейди).

ناخشاب [Нахшаб] – турк тилида *Nahşeb* деб таржима қилинган. Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири, ҳозирги Қаршидан 12 км шимоли ғарбда жойлашган. Ўрта асрларда Насаф деб юритилган. Нахшаб – боғлар ва ариқлар ила қуршалган мўжаз шаҳар дея таъриф беради Ибн Баттута.

نيسابور [Нишопур<sup>2</sup>] – рус тилида Найсапур деб таржима қилинган. Турк тилида Нишопур шаҳрига қуйидагича таъриф берилган:

*Burası Horasan'ın dört büyük şehrinden biridir. Bağı bahçesi ve suyu bol; dört ırmak var şehri yaran. Çok güzel bir şehir. Burası Küçük Dimaşk ismini almıştır. Çarşıları da güzel ve geniştir. Ana çarşının tam ortasındaki câmiin*

<sup>1</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б. 92.

<sup>2</sup> Найсапур – Хуросоннинг бош шаҳри, Умар Ҳайём, имом Ғаззолий, Низомул-Мулк ва Фаридиддин Аттор ватани, ўрта асрларда йирик маданий ва диний марказ эди.

*mimarîsi pek hoş. Câmie bitişik dört medresenin de çevresinde gayet gür akan bir su var. **Kuran-ı Kerim** ve fıkıh öğrenen epey öğrenci kalıyor bu binalarda. Burası dünyanın en güzel medreselerinden ama şunu da belirtmeden duramam: Horasan, Irakayn, Dimaşk, Bağdat ve Mısır medreseleri sağlamlık ve sanat bakımından olağanüstü olmalarına rağmen Efendimiz Ebû İnân'ın başşehri olan Fas yakınında yaptırdığı medrese hepsinden güzeldir! Hak Teâlâ Ebû İnân'ı daima mesut kılsın, ordu sunu başarıdan başarıya koştursun. Onun yaptırdığı medrese yükseklik ve genişlik açısından benzersizdir; alçıdan yapılmış o ince nakışları doğuda görmek mümkün değil!*<sup>1</sup>

Н.Иброҳимов томонидан ўзбек тилига ўгирилган таржима кўйидагича: Бу шаҳарнинг гўзал ва ободлиги, мевазор боғлари, анҳорлари кўплигидан Кичик Дамашқ дейдилар. Шаҳарни тўрт дарё кесиб ўтади, бозорлари чиройли ва кенг, бозор ўртасида жойлашган жомеси (масжиди) ажойиб, унга ёндош тўртта мадраса бўлиб, уларнинг орасидан ҳам суви лиммо-лим анҳор оқиб ўтади. Бу мадрасаларда талабалар жуда кўп, улар Қуръон ва фикҳни ўрганишади. Хуросон, иккала Ироқ, Дамашқ, Бағдод ва Миср мадрасалари ниҳоятда мустаҳкам ва чиройли бўлса-да, бизнинг ҳукмдоримиз, Аллоҳ йўлида ғозий, подшоҳлар олими ва адолатли ҳалифалар дурри-гавҳари амирул-мўъминин Абу Иноннинг (Аллоҳ унинг толеини баланд, кўшинини доимо ғолиб қилсин) Фос қалъаси ёнида қурдирган мадрасага тенг келмайди. Фосдаги бу мадраса катталиги ва баландлиги жиҳатидан беқиёсдир.

Ибн Баттута Ўрта Осиёдаги кўҳна шаҳарлар, манзилгоҳлар, зиёратгоҳларни жуда маҳорат билан келтириб ўтади. Унинг асаарида биз этнографик жойларнинг қай тарзда келтирилишини кузатишимиз мумкин. Ибн Баттута нафақат юқорида келтириб ўтилган жой номларига таърифлар беради,

---

<sup>1</sup> A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 631-632.

балки бундан-да чиройли заминлар ҳақида ҳам ёзиб айтиб ўтади. Масалан, Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Термиз, Вобкент, Фатҳобод, Балх, Хуросон, Тароз, ҳаттоки дарё номларини ҳам мукамал тарзда ёзиб кетади.

Таржимонларнинг ушбу этнографик жой номларини асл нусхадан таржима қилиши уларнинг бошқа манбаларга тўхталишлари ҳамда уларни синчиклаб ўрганишлари таржима жараёнини мукамалликка келтира олди десак муболаға бўлмайди. Чунки бу асар бадий-тарихий жанр асносида шаклланган, асар муаллифи бўлмиш сайёх Ибн Баттута кўрган-билганларини аниқ ёзган.

Ҳозирда юқорида келтирилган тарихий жой номларининг бошқа давлат худудига тегишлилиги ёки шаҳарларнинг номлари бирмунча ўзгарганлигини таржимонларнинг амалга оширган таржималари орқали кўриб чиқилди. Демак, ўша даврдаги шаҳар номлари ҳозирда мавжуд эмаслиги ёки унинг бошқа ном билан аталиши мумкинлиги таржимашунослик фанининг яна бир мураккаб қиррасини очишга муяссар бўлади.

### III БОБ. ТАРИХИЙ АСАРДА МИЛЛИЙ КАЛОРИТНИНГ ТАРЖИМАСИ МУРАККАБЛИКЛАРИ

#### 3.1. Урф-одатлар ва маросимларга тегишли хос сўзлар таржимаси

Колорит деганда тасвирий санъатда реал ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро муносиблиги тушунилади.

Адабиётда эса тарихий асарнинг ўзига хос характерли хусусияти: миллийлик, давр, маълум жойнинг ўзига хос жиҳатлари ифодаси кўзда тутилади.

Колорит бирор нарсанинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мажмуини билдиради.

Маълумки, тарихан ташкил топган, маданияти, тили, ҳудуди, иқтисодий ҳаёти ва руҳий хусусиятларнинг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар гуруҳига миллат дейилади.

*Миллийлик* у ёки бу миллатнинг маънавий фаолияти ва моддий ҳаётидаги ўзига хосликлардир.

Маънавий фаолият кишиларнинг характери, тафаккур тарзи, руҳияти, интилишлари, ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олади.

Моддий ҳаёт эса урф-одат, расм-русум, маросимлар, кийимлар, уй-рўзгор анжомлари, чолғу асбоблари, пазандачилик, исмлар ва ҳоказолар. Тарихий асарда акс этган ана шу миллий хусусиятлар йиғиндиси адабиётшуносликда *миллий колорит* дейилади.

“Миллий ўзига хослик – адабий асарда тасвирланган халқ ҳаётининг моддий шароити, маънавий турмуш тарзи, табиати, ўрмон, тоғ, дала, сув, замин, осмон ҳамда афсона ва чўпчаклари, тарихи ва дини, адабиёти ва санъати ҳамда бошқа махсус нарсалар ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари, атамалари

тушунилади. Кийим-кечаклар, удумлар, урф-одатлар, пул бирликлари ва хоказолар ҳам миллий хослик компонентлари жумласига киради”<sup>1</sup>.

Тарихий асарнинг умумий хусусиятлари халқнинг хусусий ва ижтимоий ҳаёт тарзида, турмуш шароитида, кийимида, урф-одатларида, кўча, шаҳар, санъат ёдгорликлари, муассасаларнинг номи, мансабдор шахсларнинг фамилиялари ва бошқаларда намоён бўлади.

Буларнинг йиғиндиси асарнинг миллий хусусиятини ташкил этиб, барчаси аслиятда нутқ воситалари орқали баён этилган бўлади. Уларнинг тўғри таржимаси жуда муҳимдир.

Урф-одат, расм-русум, анъана ва маросимлар таржимаси: ақиқа, бешик тўйи, қизлар мажлиси, мавлуд, Биби сешанба, ифторлик, хатми Куръон, чарлар, келинталбон, маслаҳат оши, чимилдиққанон, худойи, тоғора қилиш, тўққиз товоқ, идишни қуруқ қайтармаслик, падароши, жаноза, йигирма, йил, хайит буларнинг барчаси хос сўзларни ифодалайди.

Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадрият ва маросимлари мавжуд. Ибн Баттута ўз асарида бундай тушунчаларга катта қизиқиш билан қарайди. У нафақат Ўрта Осиё ҳудудидаги урф-одатларни, балки бошқа мамлакатларининг ана шундай тушунчаларни кенг тарзда тасвирлайди ва ўз асарида улар ҳақида батафсил ёритиб беради. Таржимон ва шарқшунос олимларнинг олдида турган вазифаларидан бири ўша давр халқларининг турмуш тарзи, маросим ва анъаналарини миллий калорит тарзида таржима қилиб, оммага етказиб беришдан иборатдир. Ибн Баттута Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган ва халқлари томонидан анъанага айланган удумларини “Саёҳатнома” асарида ёзиб кетган.

Масалан, رحلة ابن بطوطة рисоласида намоз сўзи "صلاة"<sup>2</sup> деб берилган. И.

<sup>1</sup> Ғ. Саломов Таржима назарияси асослари. 101-бет.

<sup>2</sup> Рихлат Ибн Баттута. 275 б.

Тимофеев китобида “молитва<sup>1</sup>” деб таржима қилинган. Ибн Баттута Хоразм шаҳрида шундай одат борлигини айтиб ўтади. “Улар намозни шундай тартибга риоя этиб ўқийдиларки, буни бошқа ҳеч қаерда кўрмаганман. Одат шундайки, ҳар бир муаззин<sup>2</sup> ўз масжиди ёнида жойлашган хонадонларни айланиб чиқиб, намоз вақти бўлганидан хабардор этади. Кимки жамоат намозидида қатнашмаса, имом уларни жамоат ҳузурида жазолайди. Бунинг учун ҳар бир масжидда кимчин осифлиқ туради. Ундай ташқари бундайларга беш динар миқдорида жарима<sup>3</sup> солинади, у масжид фойдасига ва камбағал-қашшоқларни боқиш учун сарфланади. Айтишларича, бу одат қадим замонлардан буён мавжуд экан”<sup>4</sup> (Н. Иброҳимов таржимаси).

А. Саит. Айкут ўзининг “İbn Battûta Seyahatnâmesi” китобида турк тилига қуйидагича ўгирилган: *Onların namaz kılarken yapageldikleri güzel bir âdetleri var; buna da başka yerde rastlamadım: Müezzinler kendi mescitlerinin çevresindeki evleri namaz vaktinin geldiğini bildirmek için bir bir dolaşıyor; câmie çağrılanlar arasında cemaate gelmeyen olursa imam onu topluluğun ortasında cezalandırıyor! Bu iş için her mescitte duvara asılı bir kamçı var! Beynamaz adam ayrıca câmi hayrına yahut fakirleri doyurmak için beş dinar ceza ödüyor! Anlatılanlara göre bu âdet eskiden beri devam etmekteymiş<sup>5</sup>.*

Ибн Баттута Мовароуннаҳр султони ҳузурида бўлар экан, яна бир маросим ҳақида гапириб ўтади. Чингизхон Ясоқ деб аталадиган китобида “Тўй” деган тушунчани келтирган. Бунинг маъносини араб тилида кўришимиз мумкин: *و من جملة أحكامه أنهم يجتمعون يوماً في السنة يسمونه الطوى و معناه*

<sup>1</sup> Тимофеев И. Ибн Баттута. стр. 105.

<sup>2</sup> Муаззин – одатда фақат намоз вақтлари азон айтиш билан чегараланарди.

<sup>3</sup> Шариатга, мусулмончиликка сал зид иш қилганлар бир от баҳосидан зиёда жарима тўлар эдилар (Ибн Баттута маълумотида кўра, бир от баҳоси 4 динар эди).

<sup>4</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.359.

<sup>5</sup> А. Saït Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 586.

يوم الضيافة و يأتي أولاد تنكيز و الأمراء من أطراف البلاد و يحضر الخواتين و كبار الاجناد".  
 الطوى [Туй] И. Тимофеев буни “день празднества” деб таржима қилади. А. Саит. Айкут китобида tūy, şölen, büyük kurultay деб таржима қилинган.

Тўй – бу ҳозирги миллий маросимларимиз эмас, балки Чингизхон даврида Ясоқ деб аталмиш қонун-қоидалар таркибидаги Тўй деб аталмиш бошқа маросим ҳақида гап кетмоқда.

Ўзбекча маъноси қуйидагича: Чингизнинг васиятига кўра улар йилда бир марта “тўй” деб аталадиган зиёфатга йиғилишади. Чингиз авлодлари – амирлар, хотунлар ва йирик саркардалар шу куни мамлакатнинг тўрт тарафидан келиб, жамулжам бўлишади. Улуғ Тармаширин бу маросимни бекор қилгани учун душманлари томонидан ўлдирилади (Н.Иброҳимов таржимаси).

Ибн Баттута Термиз шаҳрига келганида яна бир одатга гувоҳ бўлади. Бу ердаги одамлар бошини қатикда ювишар экан.

لَبْنُ [асл таржимаси сут] Н.Иброҳимов “қатик” деб таржима қилади. И. Тимофеев “кислый молоко” деб атайди. Мантикий ўйлаб кўрса, қатик деб таржима қилиш мумкин. Турк тилидаги таржимаси:

*Ahali, hamamda başını “tafal” [kil sabunu] yerine sütle yıkıyor! Bütün hamamlarda süt dolu kocaman kazanlar bulunuyor; adam hamama girince küçük bir tasla oradan süt alıp başına döküyor! Süt, saçları nemlendirdiği gibi parlak ve gösterişli yapar<sup>1</sup>.*

Ўзбек тилидаги таржимаси: Шаҳар аҳолиси ҳаммомда бошини тафл<sup>2</sup> билан эмас, балки қатик билан ювади. Ҳар бир ҳаммом ҳодими ўнлаб катта кўзаларни қатик билан тўлдириб қўяди. Ҳаммомга кирган ҳар бир киши катқни шундай кўзадан майдароқ идишга солиб бошини ювади. Қатик

<sup>1</sup> A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 608.

<sup>2</sup> Марокаш лаҳжасида ҳушбўйликлар аралаштирилиб, лойдан ясаб қурилган думалоқ совун.

сочни тоза ва силлиқ қилади.

Бундан ташқари Ибн Баттута шаҳардаги кўпгина маросимлар ва байрамлар ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Масалан, عقیفة – ақиқа, яъни мусулмонлар одатида чақалоқ туғилгач, бир ҳафтадан сўнг унинг сочини олиб, қулоғига азон айтилади. Ҳайит байрамлари ҳам ушбу шаҳар ва ҳудудларда кенг нишонланганлигини ёзиб кетади.

Хуллас, Ибн Баттута саёҳатида айнан бир миллатга хос бўлган удумлар ҳозирда баъзи бирлари сақланиб давом этиб келмоқда. Қолганлари эса бошқа миллат вакилларига тегишлилиги ҳақиқатга яқиндир.

### 3.2. Миллий таомлар ва миллий либослар таржимаси ўзига хослиги

Хос сўзларнинг яна бошқа турлари мавжуддир.

Таом номлари: палов – рисовая каша, чалоб – окрошка, пирог – сомса, котлет – қийма эт, шўр бодом – шўрданак, каша – шовла, ший – шўрва.

Кийим-кечаклар номи: тўн, дўппи, қийиқча, кулоҳ, гуппи, нимча, галстук, фрак, шуба, плашч, шляпа, пальто, костюм-шим. Шуба – чарм тўн, халат – гуппи, кулоҳ – шапка, тўн – палто.

Мевалар номи таржимаси: ўрик, олхўри, қовун, тарвуз, узум, нок, редиска, анжир, анор, беҳи, олма, гилос, олча, жийда, дўлана, равоч, ёнғоқ, бодом, қовоқ, лавлаги, турп, арпабодиён, банан, кокос, тут, қулупнай. Масалан, “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида “олма”ни – “беҳи”, “ханзал” (“аччик тарвуз”) – “қовоқ”, “нашвати”ни – “қовуннинг бир нави”, “меҳригиёҳ”ни – “мандрагора” (“заҳарли ўт”) деб берилган.

Ибн Баттута “Саёҳатнома” асаарида ҳар бир мамлакатнинг турли хил ўзига хос миллий таомлари, мевалари ҳамда либосларининг номларини келтириб ўтади.

Хоразм амири билан учрашган Ибн Баттута саройга кириб борар экан амир уни турли хил таомлар, мевалар билан дастурхонга жалб қилади: Қовурилган товуқ, турна ва каптар жўжалари, ёғлиқ сомсалар, ширин кулчалар ва турфа ширинликлар тортилади, мевалардан анор доналари, узум ва ажойиб қовунлар бор эди. Тозаланган анор доналари ичига тилла қошиқчалар солинган олтин ва кумуш идишларда, бир қисми эса ироқий шиша идишларда тортилади деб ёзади Ибн Баттута. И. Тимофеев китобида “сомса” – “пирожок”, “кулча” – “кулича” деб таржима қилади. Қолган таом номларини мос равишда рус тилига ўгиради.

Вобкент шаҳрига борганида “Олу” деб аталган мева ҳақида сўзлайди. Арабча номи "الألو" [узумнинг бир тури] деб номланади. Турк тилидаги

таржимасини келтириб ўтиш мумкин: *Üzümü [kurutup] bir seneden ömür seneye saklıyorlar. Bir de onların “allû” [alluca, can erik] dedikleri bir meyve yetiştiriyor; kurutup Hint ve Çin’e ihraç ediyorlar. Bu meyvenin üzerine su dökülüp usaresi içilebiliyor. Yeşil olduğu sırada tatlı, kuruduğu zaman ise hafif ekşidir. Gayet etli bir meyve! Ben onun benzerini ne Endülüs’te, ne Mağrip’te ne de Şam’da gördüm<sup>1</sup>.*

Вобкент шаҳри аҳолиси йил бўйи уйда узум сақлайди. Уларнинг Олу деб аталадиган меваси бор. Шу меваларни қуритиб, қоқи қилиб Ҳиндистон ва Хитойга олиб боришади. Шу меванинг устидан сув қуйиб, шарбатини ичишади. Янгилигида ширин бу мева қуритилганида нордонроқ бўлиб қолади. Мева жуда этдор бўлиб, на Андалусияда, на Сурияда бунга ўхшаш мевани кўрмаганман (Н. Иброҳимов таржмаси).

Ибн Баттута Хоразм қовунини мақтаб ёзади.

و بطيخ خوارزم لا نظير له في بلاد الدنيا شرقاً و لأ غرباً، إلا ما كان من بطيخ بخارى، و يليه بطيخ أصفهان، و قشره أخضر، و باطنه أحمر. و هو صادق الحلاوة، و فيه صلابة. و من العجائب أنه يقدد و يببس في الشمس. و يجعل في القواصر، كما يصنع عندنا بالشريحة و بالتين المالقي. و يحمل من خوارزم الى أقصى بلاد الهند و الصين. و ليس في جميع الفواكه اليابسة أطيب منه. و كنت أيام إقامتي بدھلي من بلاد الهند متى قدم المسافرون بعثت من يشتري لي منهم قديد البطيخ. و كان ملك الهند إذا أتى إليه بشيء منه بعث الى به لما يعلم من محبتي فيه. و من عادته أن يطرف الغرباء بفواكه بلادهم، و يتفقدهم بذلك<sup>2</sup>.

Н. Иброҳимов томонидан ўгирилган таржима:

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам, (ислом мамлакатларидан Ғарбда жойлашган ўлкаларда) Хоразм қовунига тенг келадигани дуёда йўқ. Бухоро қовуни бундан мустасно, ундан кейин Исфаҳон қовуни туради. Пўчоғи яшил тусда, эти юмшоқ, жуда ширин ва айнаи замонда кувракдир. Шуниси қизиқки,

<sup>1</sup> A. Saït Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 593.

<sup>2</sup> Рихлат Ибн Баттута. 128.

худди биздаги қуритилган анжир (шарика) ва Малага анжири каби бу қовунни тилим-тилим қилиб кесиб, офтобда қуритиб, саватга солиб, Хоразмдан Ҳиндистонга ва Хитойнинг узок шаҳарларига олиб бориб сотишади. Барча қуритилган мевалар ичида қовунқоқига тенг келадигани йўқ. Мен Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида яшаб турганимда сайёҳлар келиб қолса, ғуломларимдан биронтасини қовун олиб келиш учун жўнатар эдим. Ҳиндистон подшоси, агар унга ҳатто озгина қовунқоқи келтиришса ҳам, мен яхши кўришимни билиб, ҳузуримга юбортирар эди. Унинг одати – ажнабийларни ўз мамлакатларида пишадиган мевалар билан меҳмон қилиб, шу тариқа меҳрибонлик кўрсатишдан иборат эди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё ҳудудида “ҳурмо” меваси ғоят қадрланиб, мўътабар мева саналади. Ибн Баттута ушбу мева ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Рус тилида “финик”, араб тилида "تَمْرُ", турк тилида эса “hurma” деб таржима қилинган.

Сайёҳ нафақат мамлакатнинг миллий таомлари ва меваларини айтиб ўтади, балки ушбу ҳудудда одамлар қандай либослар кийиши, ушбу либослар шаҳарнинг миллийлигини янада кўркамлаштириши ҳақида батафсил маълумотлар беради.

Амир ва султонлар билан учрашувида сайёҳ уларнинг қандай либос кийганларини ва ушбу либослар махсус зодагон оилалар учун хос бўлганлигини айтади. قباة , Қабо<sup>2</sup> – устки кийим (енгсиз чопон), кейинроқ юзага келган арабча فرجي (фаржия) га тўғри келади. Рус тилида бу сўзни айнан рус миллий либосига мос тарзда эмас, балки ўз холича таржима қилинган. Бундан ташқари султон ва амирлар бошларига “шошия” деб аталадиган бош кийим кийишади. "شاشي" – Тошкент шаҳрининг қадимий номи билан аталган доирасимон бош кийими. Тунисни фатҳ этган мусулмонлар қўшини орасида тошкентлик бир киши уни кийиб боршан ва

<sup>1</sup> Ибн Баттута Саёҳатнома. – Б.363.

<sup>2</sup> Н.Иброҳимов. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Б. 93.

бу бош кийими ушбу ном билан шуҳрат топган. Кейинчалик усмоний турклар ҳам ушбу бош кийимни оммалаштирганлар. Ҳозирги пайтда Туниснинг миллий бош кийими ҳисобланиб, асосан, Қайрувон шаҳрида тайёрланиб, қизил рангда бўлади. Шаҳарларда ипак ва газламалар ишлаб чиқарилади. Нишопурда ипак мато – шойи шунингдек, наҳо, кимхоб газламалари тўқилади ва Ҳиндистонга олиб борилади. Турк тилида “nah” ve “kemha” деб берилган бўлса, рус тилида “нах”, “камха” сўзлари орқали таржима қилинган.

Ибн Баттута “Саёхатнома” асари Ўрта Осиёга уюштирган саёхати давомида бундан-да қизиқ воқеаларнинг гувоҳига айланади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ибн Баттута – шарқ араб адабиёти ва географиясининг энг кўзга кўринган, машхур араб сайёҳидир. Унинг барчага маълум бўлган “Саёҳатнома” асари ўзининг қизиқарли, нодир маълумотлари билан жаҳон илм аҳлини қизиқтирмай қолмаган. Ибн Баттута бутун умри давомида жаҳоннинг у чеккасидан, бу чеккасига саёҳатлар уюштирди.

Ибн Баттута “Саёҳатнома”си турли китоблардан олинган қуруқ маълумотлар йиғиндиси бўлмай, воқеалар шоҳидининг жонли ҳикоялари бўлгани учун ҳам бениҳоя қимматлидир. Замонасининг энг буюк сайёҳи бўлган Ибн Баттута Генуялик Марко Поло, рус сайёҳи Афанасий Никитинлар мансуб бўлган биринчи кашфиётчилар тўдасида муносиб ўрин тутди. Ибн Баттутанинг билимга, янги жойларни, “дунё ажойиботларини” ўз кўзи билан кўришга чанқоқлиги бежиз эмас.

Ибн Баттута – даврининг асл фарзанди бўлиб, у даврда инсоният олам ҳақидаги билимларини бениҳоя кенгайтиришга интиларди. Бизнинг сайёҳимиз инсониятнинг ана шундай кашфиётларга интилиш энг ёрқин мужассам этган шахслардан бири эди. У, маънавий бой, қалби дарё одам бўлиб, чин мусулмон сифатида, авлиёларнинг кароматларига ишонар ва айни вақтда бошқа эътиқоддаги одамларнинг қарашларини ҳам тўғри тушунарди. Ибн Баттута – мақсадларининг асосий йўналиши аниқланиб, сафарлари давомида ёрқин гавдаланади: бу – аввало инсонлар шахси ва тақдирига қизиқиш, турмуш тарзини ўрганиш, сўнгра шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, меъморилик, санъат обидаларига этибор. Ибн Баттутани бошқа кўп сайёҳлардан ажратиб турадиган бу хусусиятлар хамиша тадқиқотчиларнинг диққат марказида турган. Масалан, поляк шарқшуноси А.Зайанчковский Ибн Баттута саёҳатларининг шиори қилиб,

қуйидаги араб мақолини олиш мумкин бўларди, деб ҳисоблайди: “Аввал кўшни, сўнг – ҳовли, аввал йўлдош, кейин – йўл”.

Ибн Баттутанинг тасвирлаш услуби зерикарли “илмийномалик”дан ҳоли бўлиб, жонли ҳикоялар, саёҳат таассуротларидан иборат. У борган жойларининг жуғрофий координатларини кўрсатмайди, балки ўша шаҳар ёки қасабаларга қаердан кейин қаерга борганларини, у ерларда нималарни кўрганларини жонли ҳикоя қилади. Мисол учун, у Сарой Беркадан Хоразмга, сўнг Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига боради. У борган жойларида кимлар билан учрашганлигини, улар билан нима ҳақида суҳбатлашганлигини, бирор шаҳар ёки қасаба тарихига доир ўша жой аҳолисининг ҳикояларини айтиб беради. Сайёҳ кўпинча борган жойларида уни кутиб олган, у билан суҳбат қурган маҳаллий ҳокимлар, дин арбоблари ва азиз-авлиёларнинг қадамжолари ҳақида таассуротларини баён қилади. Шу жиҳатдан Ибн Баттута ҳикоялари ундан аввалроқ Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган Марко Поло ҳикояларини эслатади. Аммо генуялик сайёҳ асосан масиҳий динидаги азиз-авлиёлар ҳақида ёзган эди. Ибн Баттута эса мусулмон авлиёларининг мақбаралари, уларнинг кароматлари ҳақида кўрган ва эшитганларини ҳикоя қилади.

Ибн Баттута “Саёҳатнома”си (риҳла)ни Европа ва туркий халқларнинг тилларига таржима қилишда тадқиқотчилар бу соҳада орттирилган муайян тажрибаларга, бой анъаналарга асосландилар. Европа ва Россияда, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (асосан Эрон ва Туркия) ўрта асрларда араб тилида битилган муҳим манбаларни таржима қилишда муайян анъаналар вужудга келган. Аммо ўрта аср манбаларини таржима қилишда тадқиқотчилар жиддий қийинчиликларга учраганлар. Манбалардан фойдаланишнинг энг қийин тарафи уларнинг матни – текстини тўғри тушуниш билан боғлиқ. Чунки бу манбалар биздан жуда

олис замонларда ёзилган, бу вақтларда бутунлай бошқача ҳаёт тарзи, бошқача тушунча, иборалар қўлланилган, гоҳи биз ҳозир қўллаётган сўз ва иборалар у пайтларда бошқа маъно ва мазмун касб этган. Шу туфайли кўпинча таржимонлар манбаа мазмунини замонавийлаштириб юборадиларки, бу эса нотўғри йўлдир.

Юқоридаги Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари таржимасида асл манбаага адекватлик – мазмунига, моҳиятига мувофиқ келтириш йўлидан борилган. Таржимон иложи борича арабча матндаги услубни, жумла тузилиши, оҳангини сақлашга, ҳарфхўрликдан қочишга, “Саёҳатнома”нинг услубий таркибини умумий контекстдан келтириб чиқаришга интилан. “Саёҳатнома”да муаллифнинг жонли ҳикоя қилиш услубида араб насрининг ривожига катта таъсир кўрсатган халқ қиссаларининг вужудга келиш жараёни акс этганлигини кўриш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 32.
3. Арабские географы и путешественники. ИРГО. 1937.
4. Булгаков П.Г. Сведения арабских географов IX – начала X в. о маршрутах и городах Средней Азии. Автореферат канд. дис. Л., 1954.
5. Гафуров. Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: 1972. т. 1-2.
6. Ибн Баттута Саёҳатнома “Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор” – Т.: Шарқ, 2012.
7. Ибн Баттута. *Ар-Рихла*. I жилд,
8. Ибрагимов Н. «Путешествие» Ибн Баттуты (переводы и публикации). – Вопросы восточного литературоведения и текстологии. М., 1975.
9. Иброҳимов. Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ Баёзи, 1993.
10. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. – Избранные сочинения. Т. IV. М. – Л.: 1957.
11. Мусаев. Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005.
12. Милославский Г.В. Ибн Баттута. М., 1974.
13. Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
14. Тимофеев И. Ибн Баттута. М., 1983.
15. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар. Тош., 1964.
16. Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982.
17. Хеннинг Р. Неведомые земли. М.: 1962. III жилд.

## Чет тилдаги нашрлар

1. A. Sait Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi / Ebû Abdullah Muhammed ibn Battûta Tancî Özgün adı: *Rihletü İbn Battûta = Tuhfetü'tı-Nuzzâr fi Garâibi'l-Emsâr ve Acâibi'Î-Esfar*. Yapı Kredi Kültür Sanat Yayıncılık Ticaret Ve Sanayi. İstanbul. A:Ş., 2004.
2. كتاب رحلة ابن بطوطة المسماة "تحفة النظار في غرائب الأمصار و عجائب الأسفار". عمر حسين الخساب. سنة 1322 هجري.

**Интернет маълумотлари**

1. <http://www.google.ru>
2. <http://www.royallib.ru>
3. <http://www.dlx.bookzz.org>
4. <http://www.Rulit.net>
5. <http://www.kitabvitrini.com>
6. <http://www.academia.edu>
7. <http://www.wikipedia.org>
8. <http://www.e-tarix.uz>